

## Бақара сураси, 37-оят

10:10 / 18.08.2017 4678

**Бас, Одам Роббидан сўзларни қабул қилиб олди, кейин (У Зот) унинг тавбасини қабул қилди. Албатта, У тавбани кўплаб қабул қилувчидир, ўта раҳмлидир. Бақара 37.**

Тафсирчиларимиз «Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло шу пайтда Одам алайҳиссаломга илҳом орқали маълум сўзларни берди, Одам алайҳиссалом уларни қабул қилиб олиб, айтди. Шундан кейин Аллоҳ унинг гуноҳидан кечди», деб тушунтирадилар. Момо Ҳаво ҳам гуноҳ содир этилишида Одам Ато билан бирга бўлишига қарамай, бу мақомда зикр қилинмаганининг сабаби - у киши Одам алайҳиссаломга эргашгани учун Одамни зикр қилиш билан кифоя қилинди. Уламоларимиз: «Одам алайҳиссалом Аллоҳ таолодан қабул қилиб олган калималар кейинроқ келадиган «Роббана заламнаа анфусана» дея бошланувчи ёлвориш калималари эди», - деганлар. Оятнинг охирида Аллоҳ таолонинг тавбани қабул қилувчилик сифати:

**«Албатта, У тавбани кўплаб қабул қилувчидир, ўта раҳмлидир»,** - деб зикр қилинишидан ўша сўзларда тавба ўз аксини топганлиги билиниб турибди.